

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

_____ кунни, жиноят ишлари бўйича Узун туман суди, Узун туман “Пайкент” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, сайёр очик суд мажлисида, раислик қилувчи - судья Ж.Жўраев, судья ёрдамчиси З.Аллоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси -Узун туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Давлатов, жабрланувчи Ю.Юлдашева, гумон қилинувчи М.Маъмурованинг иштирокида, Маъмурова Марзия Маъмуровнага нисбатан _____-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Маъмурова Марзия Маъмуровна _____
_____ 1998 йил 9 март кунни
Сурхандарё вилоятининг Узун туманида туғилган,
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта,
оилали, етти нафар фарзанди бор, нафақахўр,
муқаддам судланмаган, Узун туманидаги
“Пайкент” маҳалла фуқаролар йиғини
“Қизилрабат” қишлоғида яшайди.

Суд, жиноят иши юзасидан гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувини тинглаб, прокурор фикрини эшитиб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни:

А Н И Қ Л А Д И :

М.Маъмурова, 219 йил 27 октябрдан 28 октябрга ўтар кечаси ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, Узун туман “Пайкент” маҳалласида яшовчи фуқаро Маъмурова Марзия Маъмуровна ўз яшаш уйида тунаб қолган фуқаро Юлдашева Юлдуз Юлдашевнага тегишли бўлган 400.000 сўм пулларни Ю.Юлдашеванинг ухлаб ётган вақтида ўғирлаб олиб, Ю.Юлдашеванинг мулкани яширин равишда талон-тарож қилган.

Жабрланувчи Ю.Юлдашева, суд мажлисида, ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, М.Маъмуровага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар бартараф этилганлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ ўтказилмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи М.Маъмурова, суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарарни бартараф этганлигини ҳозирда



жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқ ўтказилмаганлигини, ихтиёрий ярашиб олганлигини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Ю.Юлдашева ҳамда гумон қилинувчи М.Маъмурованинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, Узун туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Давлатовнинг жиноят ишини ярашув муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, М.Маъмурованинг айбига иқроорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни бартараф қилганлигини, жабрланувчи билан ярашганлигини, ярашув ихтиёрий бўлганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга суд жабрланувчи Юлдашева Юлдуз Юлдашевнага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд ажрим қилади.

А Ж Р И М

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Маъмурова Марзия Маъмуровна Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан, ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан бўлган жиноят иши ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи Юлдашева Юлдуз Юлдашевнага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сурхандарё вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Ажрим алоҳида хонада раислик қилувчи томонидан ёзилди.

Раислик қилувчи:
Нусхаси аслига тўғри
Раислик қилувчи:

Ж.Ж.Жўраев

Ж.Ж.Жўраев

